

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## БОЗОР ТОПИШ ҚИЙИН, ЙЎҚОТИШ ОСОН

### Буни англаган тадбиркор сифатни ошириб, таннархни туширишни уддалаши керак

Янгийўл шаҳрининг "Мезон" маҳалласида ўтган йили иш бошлаган "Cotton Best" кўшма корхонасида тайёрланаётган юқори сифатли болалар трикотаж кийим-кечакалари "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси билан хоризгга экспорт қилинмоқда.

– Ҳозирги кунда турли ёшдаги болаларга мўлжалланган 40 хилдан зиёд кийим-кечалар ишлаб чиқараямиз, – дейди корхона раҳбари Олима Бойсафарова. – Юқори сифат, сўнгги урфдаги дизайн ва ҳамёнбоп нархларимиз харидорларга маъқул бўлмоқда. Тажрибали дизайнеримиз Гулнора Ҳалимбекова доимо изланишда. У мода ўзгаришларини кузатиб, урфга кирган рангларга урғу берган ҳолда янги либослар яратди. Сир эмас, дунё бозорига чиқиб, оёқда



маҳкам туришни истаган корхона энг майда нарсаларга ҳам аҳамият бериб, замондан ортда қолмаслиги керак.

Энг сўнгги русумдаги, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган кенг ва ёруғ корхона цехларида ҳозирги кунда юздан ортиқ ишчилар меҳнат қилишмоқда. Яқинда тайёр

кийимларга турли тасвирларни туширишга ихтисослашган цехимиз ҳам ишга тушади. Шунингдек, эркалар ва аёллар учун ҳам буюртмалар асосида кийимлар тикишни йўлга қўйдик.

Кумуш САЛОМОВА  
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар



### Имконият

Шу кунларда вилоятимизнинг қай бир ҳудудига борманг, қурилиш ва бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушади. Масалан, Оҳангарон шаҳрини олайлик. Пойтахт билан водий вилоятларини боғлайдиган катта кўчанинг икки четида қад ростлаган муҳташам бинолар эътиборингизни тортмасдан қолмайди.

## УЙ ОЛАМАН, ДЕСАНГИЗ...



Замонавий дизайн асосида бунёд этилаётган мазкур мажмуалар шаҳар кўркига-кўрк қўшмоқда. Бу ерда шу кунларда эҳтиёжманд ва ёш оилалар учун яна 5 та 7 қаватли уйда 210 хонадон қурилаяпти. "O'zshaharqurilish invest" масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилаётган янги уйлар 2 ва 3 хонали бўлиб, барча қулайликларга эга. Шинам хоналар, замонавий иситиш тизимлари, лифт, ҳатто интернет тармоғи ҳам бор.

Аҳолига энгиллик яратиш мақсадида мазкур тураржойлар дастлабки 3 йиллик имтиёзли давр билан 20 йилга кредитга берилмоқда. Бошланғич бадал тўлови эса 15 фоизни ташкил қилаётгани кўпчилиги учун катта ердан.

Шунингдек, Нурафшон, Янгийўл ва Олмалик шаҳарларида ҳам мана шундай кўп қаватли уй-жойлар барпо этилмоқда. Ҳадемай, Олмаликда 10 та 7 қаватли 420 хонадондан иборат тураржойлар эгаларига топширилади.

Қолаверса, вилоятимизнинг кўплаб қишлоқларида шаҳар шароитидан кам бўлмаган қулайликка, замонавий кўринишга эга 2 ва 4 сотиҳли намунавий уйлар ҳам қурилаяпти.

Ўз мухбиримиз

## «МЕТАЛЛУРГ» ШИФОХОНАСИДА ГЕМОДИАЛИЗ БЎЛИМИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Улар орасида ҳали ҳаётнинг қувонч ва лаззатларини тотиб улгурмаган фарзандларимиз борлиги ҳаммамизни ташвишлантиради, албатта. Эътиборлиси, ўтган қисқа фурсатнинг ўзида вилоятимизга бюджет маблағлари асосида 1 та сунъий сув тозалаш мосламаси ва 10 та "сунъий буйрак" аппаратлари ажратилди. Бундан ташқари, ички им-

кониятлар ва ҳомийлик маблағлари билан вилоятимиздаги бир нечта шифо масканлари ҳам мана шундай зарур анжон-

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотларига кўра, айти пайтда вилоятимизда 430 дан ортиқ сурункали буйрак етишмовчилигининг оғир босқичини бошдан ўтказаятган беморларимиз бор экан.

лар билан жиҳозланмоқда.

Масалан, шу кунгача Чирчиқ шаҳридаги гемодиализ бўлимига 2 та, Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасига 3 та "сунъий буйрак" аппаратлари етказиб берилди.

Бугун Бекободда иш бошлаган бўлимда ҳам 10 ўринли сув тозалаш мосламаси, ҳамда 5 та "сунъий буйрак" аппаратлари ўрнатилиб, беморларга хизмат кўрсатишга шай ҳолатга келтирилди.

Маросимда вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов сўзга чиқди.

Р. МИРЗАҚУЛОВ  
олган суратлар  
@haqiqatonline



## ТОЗА ҲАВОДАН НАФАС ОЛСАК МАЙЛИМИ?

Вилоятимиз ҳудудида атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатувчи объектлар сони 1 минг 692 тани ташкил этади. Мазкур объектлар томонидан атмосфера ҳавосига бир йилда ўртача 268,1 минг тонна ифлослантирувчи моддалар чиқарилмоқда.

2

## МАТБУОТ, МАЖБУРИЙ ОБУНА, ВИЖДОН...

Давр ўзгарди. Интернет тобора қизиқарли, жозибали бўлиб бораёпти. Яқинда "Тафаккур" журналида бир муаллиф шундай ёзибди: "Инсон компьютер ёки телефон ойнаси қаршида бутун олам билан юзлашиб, сўзлашиб ўтирибди, аммо у ёлғиз. Ниҳоятда ёлғиз..."

Ҳа, шундай. Ҳазрати инсоннинг ўзи, уй-ҳаёллари виртуаллашяпти. Реалликнинг таровати интернетта ғаройиб бир шаклда кўчаёпти.

Шу кунларда обуна ҳақида биз ҳам ўйлаяпмиз. Биз ҳам мактабларга чиқиб, жойларга бориб, обуна жараёнининг шаффоф ва ихтиёрийлиги принципи асосида ташкил қилиниши тарафдоримиз. Яшириб нима қилдик, мажбурий обунадан манфаатдор ҳам бизмиз. Қанийди, ҳамма газетамизга ўзи обуна бўлса, деб ҳаёл қиладиган анойи ҳам ўзимиз...

Лекин, қайси маънода манфаатдор? Гап шунда. Оддий бир тўман газетасининг йиллик сарф-харажати камида 800 миллион сўмни ташкил этади. Шундан,

салкам 200 миллион сўми босмаҳона учун сарфланади. Солиқлар ва бошқа харажатлар учун яна 300 миллион сўм атрофида сарфланади. Қолган 300 миллион сўм ишчи-ходимларнинг маоши, йил давомида, қонунчиликда белгиланган тартибда, давлат байрамларида бериладиган мукофот пуллари, меҳнат ва туғуруқ таътили учун ажратиладиган тўловлар, турли тадбирларни уюштириш, техник жиҳозларни сифатли сақлаш харажатлари, канцелярия маҳсулотлари, хуллас, барибир йил охирида

рўзгорхалта тешилиб қолади. Алқисса, обуна учун ажратиладиган пуллар туман-шаҳар газеталарининг жон сақлаб туриши учун зўрға етади. Ўзи шу куннинг ўлчами билан айтганда, энг кам ойлик оладиган тоифа ҳам журналистлар бўлиб қолди... На чора, қасба муҳаббат, ишлайверамиз... Айтганча, бир машҳур реклама бўларди: "Сникерсни тўхтатма!" деган. Ҳа, тўхтатманг. Босинг газетани! Шундан фойда...

3

### Маҳаллий кенгашларда

Халқ депутатлари Бекобод тумани кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган сессиясини туман кенгаши депутати Нурали Жалилов очди... ва якунлади.

## ВАЗИЯТГА ҲАММА РОЗИ, ҚАРШИЛАР, БЕТАРАФЛАР ЙЎҚ...

"Халқ сўзи" нашрининг ёзишича, Сенат аъзолари иштирок этган тадбирда туман ҳокими, туман идора раҳбарлари, республика ҳамда вилоят мутасаддилари сўзга чиқишди. Фақатгина туман кенгаши депутати жим ўтиришди, холбуки, муаммолар кўп эди...

Сессияда қайд этилишича, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи 25 кун давомида мавжуд маҳаллаларда уйма-уй юриб, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиши давомида жами 25 мингдан зиёд муаммолар аниқланган. Хусусан, ҳоким бошлиқ биринчи секторда 3 минг 203 та, туман прокурори бошчилигидаги иккинчи секторда 7 минг 710 (!) та, туман ИИБ бошлиғи етакчилик қилаётган учинчи секторда 11 минг 891 (!!) та, туман ДСЖ раҳбари бошчи-

лигидаги 3 секторда 2 минг 202 та муаммо юзага қалқиб чиққан.

Муаммоларнинг 9,5 мингдан ортиги кўча ва йўллари таъмирлаш, 5,1 мингтаси тоза ичимлик суви, 4,7 мингтаси электр энергияси таъминоти билан боғлиқ. Бундан ташқари, мактабгача таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш, ер-қадастр масалалари, паспорт билан боғлиқ муаммолар ҳам кам эмас.

Туманда 300 дан ортиқ оила бошпанасиз, 271 оиланинг уй-жойи таъмирга муҳтож ва уларнинг бу ишга қурби келмайди...

Шунча муаммо кўтарилган сессияда туман кенгашининг халқ ишониб сайлаб қўйган бирорта депутати ўз фикри ва муносабатини билдирмагани кишини таажжубга солади.

Хуллас, вазиятга ҳамма рози, қаршилар, бетарафлар йўқ...

Шу кун бўлиб ўтган Халқ депутатлари Бўка тумани кенгашининг сессиясида ҳам Республика ишчи гуруҳи томонидан худудда аниқланган 12 минг 400 дан ортиқ муаммо ва уларнинг ечими ҳусусида сўз борди.

@haqiqatonline

### Вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов:

## ДАРВОЗАНГИЗГА БИТТА ЧИРОҚ ҚЎЙИНГ, ЖИНОЯТНИ КАМАЙТИРИШГА ҲИССА ҚЎШГАН БЎЛАСИЗ!

Оқилона фикр! Тўғрими? "Жиноятчиликка қарши ҳаммамиз курашишимиз керак", деймиз куруқ гапдан нарига ўтмаймиз.

Вилоят ҳокими куни кеча шу масалага бағишлаб ўтказилган йиғилишида вилоят аҳлини кўча дарвозасига ҳеч йўқса битта чироқ ўрнатиб қўйишга чақирди.

Мутахассислар дарров ҳисоблаб беришди: битта лампочка бир йилда нари борса 20 минг сўмлик электр сарф этаркан. Бу билан хонадон эгаси нафақат ўз оиласи тинчлигини сақлайди, балки жамиятда жирканч иллатлар барҳам топишига ҳисса қўшган бўлади.

Бу ташаббусни қўллаб-қувватланг, яқинларингизга ҳам етказинг!

@haqiqatonline

Дунёқарашни касталар ўқимасин!





